

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 680-ҳадис

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَنَزَّلَنَا مَنْزِلًا، فَمِنَّا مَنْ يُصْلِحُ خِبَاءَهُ، وَمِنَّا مَنْ يَنْتَصِلُ، وَمِنَّا مَنْ هُوَ فِي جَسْرِهِ؛ إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ جَامِعَةٌ. فَاجْتَمَعْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِيٌّ إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدْلِلَ أُمَّةَهُ عَلَى خَيْرٍ مَا يَعْلَمُهُمْ، وَيُنذِرُهُمْ شَرَّ مَا يَعْلَمُهُمْ، وَإِنَّ أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جُعْلَ عَافِيَتُهَا فِي أَوْلِهَا، وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءً وَأُمُورٌ تُنَكِّرُونَهَا، وَبَخِيَءُ فِتْنَةٌ يُرْفَقُ بَعْضُهَا بَعْضًا، وَبَخِيَءُ الْفِتْنَةُ فِيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ تُنَكِّشِفُ، وَبَخِيَءُ الْفِتْنَةُ فِيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُرْجِعَ عَنِ النَّارِ وَيُدْخَلَ الْجَنَّةَ فَلْتَأْتِهِ مَنِّيهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَلِيَأْتِ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُرْتَأَ إِلَيْهِ، وَمَنْ بَأْيَعَ إِمَاماً فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَثَمَرَةً قَلْبِهِ فَلِيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخْرُ يَنْازِعُهُ، فَاضْرِبُوهُ عُنْقَ الْآخِرِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ .[1844]

قوله: «يَنْتَصِلُ» أي: يُسَايِقُ بالرَّمَيِّ بِالنَّبْلِ وَالنُّشَابِ، «وَالجَسْرُ» بِتَحْتِ الْجَهِيمِ وَالشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ وَبِالرَّاءِ: وَهِيَ الدَّوَابُ الَّتِي تَرْعَى وَتَبِيَثُ مَكَانَهَا.

وقوله: «يُرْقُقُ بَعْضُهَا بَعْضًا» أي: يُصَبِّرُ بَعْضَهَا بَعْضًا رَقِيقًا؛ أي: حَفِيفًا لِعِظَمِ مَا بَعْدَهُ، فَالثَّانِي يُرْقِقُ الْأَوَّلَ، وَقِيلَ: مَعْنَاهُ: يُشَوِّقُ بَعْضُهَا إِلَى بَعْضٍ بِتَحْسِينِهَا وَتَسْوِيلِهَا، وَقِيلَ: يُشْبِهُ بَعْضُهَا بَعْضًا.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Бир манзилга тушдик. Биздан кимдир чодирини тузатаётган, кимдир ўқ

отишаётган, кимдир (уловлар билан) ўтлоқда эди. Бирдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жарчиси «Жамоат намозига!» деб жар солиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жамландик. У зот шундай дедилар: «Мендан олдин келган ҳар бир набийга умматини улар учун яхши деб билган нарсасига йўллаш ҳамда улар учун ёмон деб билган нарсасидан огоҳлантириш вожиб бўлган. Ушбу умматнинг оғияти аввалида қилинди. Охирига эса ҳали балолар ва сизлар мункар деб биладиган ишлар келади. Шундай фитналар келадики, бири бирини (кейингиси аввалгисини) енгил кўрсатиб қўяди. Фитна келади, шунда мўмин: «Менинг ҳалокатим мана шу», деб қолади, лекин (фитна) ўтиб кетади. Яна фитна келади, шунда мўмин: «Шуниси, шуниси», дейди.

Ким дўзахдан йироқлаштирилиб, жаннатга киритилишини истаса, ўлими келганда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда бўлсин; ўзига қандай муомала бўлишини истаса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин.

Ким бир раҳбарга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини тутган бўлса, агар қодир бўлса, унга итоат қилсин. Аммо бошқаси у билан (раҳбарликни) талашгани келса, ўша бошқанинг бўйини чопинглар».

Ином Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

